

**СПОРТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.050>*Гаффоров Нодир Насриевич,**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Тошкент,  
Ўзбекистон*

*Аннотация* Мақолада ўзбек спорт терминологиясининг тадрижий тараққиёти, ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари, бошқа соҳавий терминлардан афзаллиги, жамоавий ва якка турдаги спорт турларининг тавсифи, терминларнинг микросистемаси билан боғлиқ номланишлар, спорт терминологиясида эришилган ютуқлар ва истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, янги таснифлаш йўллари ҳақида мулоҳазалар баён қилинган.

*Калит сўзлар:* спорт терминлари, жамоавий спорт ва якка спорт турлари, мустақиллик даври спорт терминологияси, тасниф, тавсиф, янги спорт ўйинлари, футбол, волейбол, қўлтўпи, чавгон.

**СПОРТИВНАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ***Гаффоров Нодир Насриевич,**доцент Государственный университет физической культуры и спорт Узбекистана*

*Аннотация* В статье описывается эволюционное развитие узбекской спортивной терминологии, тенденции развития, особенности, преимущества других отраслевых терминов, описание видов спорта коллективных и индивидуальных видов, названия, связанные с микросистемой терминов, достижения в спортивной терминологии и задачи, которые необходимо выполнить в будущем, новые способы классификации.

*Ключевые слова:* спортивная терминология, командные и индивидуальные виды спорта, спортивная терминология периода независимости, классификация, описание, новые спортивные игры, футбол, волейбол, подлокотник, всадник.

**SPORTS TERMINOLOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS***Gaffarov Nodir Nasrievich,**Docent Uzbek state university of physical education and sport Tashkent, Uzbekistan*

*Abstract* The article describes the evolutionary development of Uzbek sports terminology, development trends, features, advantages of other industry terms, description of sports of collective and individual types, names associated with the microsystem of terms, achievements in sports terminology and tasks to be performed in the future, new ways of classification.

*Keywords:* sports terminology, team and individual sports, sports terminology of the independence period, classification, description, new sports games, football, volleyball, armrest, rider.

Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалий жихатини тадқиқ қилувчи қатор йўналишлар шаклланмоқда. Айниқса, ҳар бир мамлакатнинг дунёга танилишида катта ҳисса қўшувчи спорт мусобақалари орқали тил ҳам ривожланмоқда. Жумладан, дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни Миллий кураш, Бокс, дзюдо каби спорт турлари бўйича жаҳонда тенгсиз эканлигини тан олмоқда. Хусусан, миллий курашнинг халқаро спорт тури сифатида тан олиниши ва ўзбек тилида мавжуд бўлган спорт терминларининг дунёга оммалашини мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қилади. Ўзбек тилшунослиги ҳам ўзининг янги босқичида “лисоншуносликдан нутқшуносликка” йўналишида “тил ва жамият”, “тил ва маданият”, “тил ва шахс”, “миллий тил ва миллий тафаккур” каби субстанциал асосларда ҳал қилинувчи муаммолар билан шуғуланишга киришди. Жаҳон тилшунослигида структур йўналишнинг давоми сифатида XX аср сўнгида шаклланиб, жадал ривожланаётган когнитив йўналиш ҳам айнан шу муаммолар устида тадқиқот олиб

бормоқда.

Ўзбек тилидаги лисоний ҳодисаларнинг социопрагматик, семантик ва лексикографик структурасини тадқиқ қилиш бу борадаги муаммолар ечимига дахлдорлик касб этади. Хусусан, тилни жаҳон миқёсида ташувчиси сифатида намоён қилувчи спорт терминларини лисоний ва лексикографик нуқтаи назардан ўрганиш бугунги кунда тил ва мулоқот структураси тадқиқи муаммоси кучайган бир шароитда ўта долзарб ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида спорт терминологияси масалалари бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу йўналишда М.Аднан, Р.Вайнз, Е.Гуреева, М.Мешч, П.Вайт, З. Мурзоев Ю.Шоломицкий, Р.Исмоилов, М.Норкин, Х.Рафиев, М.Бобоёров, З.Абдуллаева каби хоризж ва ўзимизнинг олимларнинг илмий изланишлари соҳа тадқиқида алоҳида ўрин эгалламоқда.

XIX-XX аср тилшунослигида терминология Д.Лотте, Г.Винокур, А.Реформатский, Е.Поливанов, Р.Будагов, Н.Амосова, А.Хаютин, А.Брайсон, Х.Сонневелд, Ж.Бўронов, Р.Дониёровлар томонидан янада ривожлантирилди. Мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, ўз ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд. Бу эса уларнинг тадқиқи муаммосига янгича ёндашувларни тақозо этади. Жумладан, В.Д.Швайконинг илмий изланишлари инглиз тилидаги спорт соҳаси фразеологик бирикларининг тадқиқи бағишланганлиги билан характерли.

Ўзбек тилшунослигида М.Бобоёров соҳа терминологиясининг ўзбек тили ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини ёритган, З.Абдуллаева эса терминлар тараққиётига тарихий – ижтимоий омилларнинг таъсири масаласини тадқиқ этган. Х.Саримсоқов ўзбек ва инглиз тилларида спорт терминлари ва неологизмларнинг шаклланиш тарихи, ясашиш (лексик – семантик, деривацион ва б.) усуллари, фразеологик бирикларнинг терминологик хоссалари каби масалаларни қоғиштирма аспектда ўрганган.

Бироқ ўзбек тилидаги спорт терминлари социопрагматик ва лексикографик аспектларда тадқиқ этилмаган. Спорт терминларининг қўлланилиши, тараққиёти, мавжуд умумий ва соҳавий луғатларда берилиши монографик ўрганилган эмас.

Спорт терминларини лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш қўйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- спорт терминларининг социопрагматик хусусиятлари ўрганиш;
- спорт терминларининг семантик структураси баҳолаш; уларнинг когнитив структурасини аниқлаш;
- спорт терминларнинг когнитив мақомини белгилаш, уларнинг формал таснифини бериш, спорт терминларнинг семантик таснифи ишлаб чиқиш;
- спорт терминларининг когнитив таснифини бериш, соҳада қўлланилаётган ўз ва ўзлашма қатламга доир терминларнинг қўлланилиш частотаси аниқлаш;
- спорт терминларининг лексикографик муаммолари ўрганиш, босма шунингдек, замонавий электрон ўқув луғатлар тизими яратишнинг лисоний асослари ишлаб чиқиш.

Умуман, терминология бу – маълум бир касб соҳаси ёки ишлаб чиқариш терминлари тўплами ҳамда терминларнинг шаклланиши, таркиби ва фаолият кўрсатиши ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, терминологиянинг умумий назарий предмети: инсониятнинг билимлари тўпланган ва узатилган махсус сўзларнинг шаклланиши ва ишлатилишини ўрганиш асносида мавжуд терминологик тизимни ривожлантиради; спорт ва бошқа соҳаларда янги атамалар ва уларнинг тизимларини яратишнинг оптимал йўлларини қидиради турли билим соҳалари терминологиясига хос бўлган умумий самарали хусусиятларни аниқлайди.

Ўзбек тилига бўлган эътибор тобора кучайиб боргани сари ўзбек тили соҳаларига оид атамалар яъни терминлар билан ишлашга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Терминнинг маъноси, моҳияти унинг номидан келиб чиқади. Термин-терминус лотинча-чегара чек маъносини англатади. У чекли, чегараланган, муайян соҳага оид бир маъноли сўздир. Ҳар қандай сўз пайдо бўлишида бир маъноли бўлади. Кишилик жамияти ривожланиши давомида у кўп маъноли сўзга айланиб боради. Терминологияга бағишланган илмий тадқиқотларда ҳар қандай термин сўздир, аммо ҳар қандай сўз термин бўла олмайди деган фикр илгари сурилади. Термин чекланганлиги, бир

маънога эга бўлгани туфайли махсус контекста ҳамма вақт ўз маъносини сақлайди. У эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига эга эмас. Оҳанг ёрдамида терминнинг маъноси ўзгармайди. Демак, термин маълум бир соҳага оид аниқ бир маънога эга сўзлар мажмуи. Терминологик лексика тил лексикасининг ажралмас қисми сифатида у билан ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча жараёнларни бошдан кечиради. Ҳозирда Ўзбекистонимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника, маданият ва спорт каби соҳаларнинг жадал ривожланиши ўзбек тилида терминологик луғат тармоғини ҳам кундан-кунга кучайтирмоқда. Аини вақтда ўзбек тилида фан ва техниканинг деярли барча соҳаларига оид терминологик луғатлар тайёрланган. Улар асосан оригинал асарлар яратиш ва таржима жараёнида вужудга келмоқда. Сўз бойлигининг маълум бир қисмини терминлар ташкил қилади. Гарчанд терминлар муайян бир соҳага оид тушунчаларни очик ифода қилувчи сўзлар бўлсада, қўлланиши жиҳатидан шу соҳа кишиларигагина маълум тушунчалардир. Терминларни ўзбек тилига таржима қилишда уларни эътибор билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Спорт терминологияси умумий терминологик тизимнинг бир қатлами сифатида нафақат тор спорт соҳасида, балки умумий адабий тил миқёсида ҳам ишлатиладиган сўз бирикмаларининг асосий ўзаги бўлган кенг туркумни ўз ичига олади. Ўзбек тилида ҳам спорт терминлари энг қадимги ва барқарор терминологик қатламлардан бири эканлиги, у от сўз туркумининг салмоқли қисмини ташкил этишини таъкидлаш лозим. Спорт – шахснинг жисмоний қobiliятларини ривожлантиради. Бу соҳадаги мутахассислар биринчи навбатда спорт ўйинлари ва мусобақалар қоидаларини яратиб, турли ўқув машқларини ишлаб чиқадилар ва шунга мос равишда саломатликни тиклаш ҳамда ривожлантириш билан шуғулланидилар. Шунга қарамай, спорт соҳаси мутахассислари, шунингдек, олимлар инсон танасининг имкониятларини аниқлайдилар, қолаверса, мунтазам мақсадларга эришишнинг муайян воситалари самарадорлигини текширишлари, ўрганишлари керак. Спорт терминологияси илмий терминология каби нафақат номинатив, балки аккумулятив функцияни ҳам бажаради.

Тил хусусиятларини тушуниш зарурати туфайли социоллингвистик ва ички лингвистик омиллар контекстида спорт терминларининг келиб чиқиши ўзбек тилшунослигида бирмунча ўрганилган. Шундай бўлса-да бу борада қуйидаги вазифалар амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- терминологиянинг тил лексик системасидаги ўрнини аниқлаштириш;
- номаълум сўзлардан уларни фарқловчи терминларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш;
- умумий сўз туркумларини ташкил этган ҳолда атамаларни ташкил этишнинг таркибий хусусиятларини аниқлаш;
- спорт атамалари асосида феъл-атворни танлаш, инвентаризация қилиш ва тизимлаштириш;
- спорт терминологияси ва фразеологик бирликлардан, хусусан, бадиий адабиётда фойдаланиш соҳаларидан бирини тадқиқ этиш.

Спорт терминологияси ва айниқса, спорт феслари бадиий ва ўқув адабиётларида, шунингдек, терминологияга бағишланган махсус адабиётларда (босма луғатлар, электрон луғатлар) спорт терминларининг сўз бойлигининг кенг соҳасини ифодалашига қарамасдан етарлича ёритилмаган. спорт атамалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни аниқлаш ва умумлаштириш, лингвокултурологик аспектларда, бизнингча, ҳали кўриб чиқилмаган. Спорт терминологияси соҳасининг узлуксиз янгиланиб ва ривожланиб бориши ҳамда бугунги кунда спортга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши боис уни янада чуқурак ўрганишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Шоломицкий Ю. С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, –1972. –25 с.
- 2.Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт -физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. –95 б.;
3. РафиевХ.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, –1972. –25 с.;
- 4.Бобоёров М. Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. –Самарқанд, 2009. –22 б.
5. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. –32 б.;
6. Худойберганова Д. Мустақиллик даврида спортга доир лексемалар тараққиёти//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). –Бухоро, 2017. –124 б.